

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХАЙИТБОЕВА КОМИЛА ХЎЖАЯЗОВНА

**ДИФФУЗ – ТОКСИК БЎҚОҚНИНГ (ГРЕЙВС КАСАЛЛИГИ)
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хайитбоева Комила Хўжаязовна

Диффуз – токсик бўқоқнинг (Грейвс касаллиги)
диагностикаси ва давосини такомиллаштириш 3

Хайитбоева Комила Хужаязовна

Оптимизация диагностики и лечения диффузно –
токсического зоба (болзень Грейвса) 26

Khayitboeva Komila Khujayazovna

Optimization of diagnosis and treatment of diffuse –
toxic goiter (Graves' disease) 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 54

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХАЙИТБОЕВА КОМИЛА ХЎЖАЯЗОВНА

**ДИФФУЗ – ТОКСИК БЎҚОҚНИНГ (ГРЕЙВС КАСАЛЛИГИ)
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib617 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:	Исмаилов Сайдиганиходжа Ибрагимович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Петунина Нина Александровна тиббиёт фанлари доктори, профессор, РФА мухбир-аъзоси Халимова Замира Юсуфовна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «14» август соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (770 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «31» июл куни тарқатилди. (2021 йил «31» июл даги 27 рақамли реестр баённомаси).



А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Нажмудинова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
ўринбосари тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Грейвс касаллиги (ГК) – бу тиреоид гормонлар ишлаб чиқарилишининг ошиши ва қалқонсимон безнинг (КБ) диффуз катталашини билан тавсифланиб, барча аутоиммун касаллик сингари, наслий оилавий анамнезга эга беморларда тез-тез учрайди. ГКда тиреоид гормонларнинг ортиқча таъсири деярли барча аъзоларнинг, биринчи навбатда, юрак – қон томир тизимининг шикастланишига олиб келади. Хорижий муаллифларнинг маълумотларига кўра, «...эндокрин касалликлар сонининг ўсиши билан бир қаторда, диффуз – токсик бўқоқнинг (ДТБ) ўсиш даражаси ҳам ортиб бормоқда. ҚБ касалликларининг умумий учраш даражаси, хатто эндемик бўлмаган худудларда ҳам умумий касалланишнинг 20% ини ташкил қилмоқда. Эндемик худудларда эса бу кўрсаткич 50% дан ошади...»¹. Шунинг учун касалликнинг эрта муддатларида ташхислаш ва даволашнинг самарали усуллари аниқлашда ДТБ беморларнинг ҳаёт сифатини (ҲС) аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда диффуз – токсик бўқоқни ташхислашда, даволашда янги усулларнинг ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Диффуз – токсик бўқоқнинг атипик кечиши ва клиник симптомларининг яққол бўлмаслиги кўпинча кеч ташхис қўйишга ва ушбу патологиянинг узок муддат самарасиз даволашга олиб келади. «...ГК сабабли манифест тиреотоксикоз беморлар даво турларидан: йод (¹³¹I) билан радиойодтерапия, тиреостатик воситалар ёки тиреоидэктомиядан бирини олиши зарур...»². Медикаментоз, радиойодтерапия ва жарроҳлик усули ёрдамида даволашдан асосий мақсад нафақат патологик ўчоқни баратараф этиш, балки беморларнинг аъзолари фаолиятини тиклаш, касбий фаолиятига тўлиқ қайтариш ва ҲС яхшилашдир. Шунинг учун турли муолажалардан кейинги ҳар хил салбий функционал натижаларга эга беморларни қайта даволаш жиҳатлари муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт ходимлари олдида соҳани, шу жумладан эндокринология йўналишини янада мукаммаллаштириш ва халқаро стандартлар талабларига мослаштириш борасида қатор вазифалар қўйилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида диффуз – токсик бўқоқ касаллигини эрта ташхислаш, эрта асоратлар олдини олиш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

¹Ross DS et al. American Thyroid Association guidelines for diagnosis and management of hyperthyroidism and other causes of thyrotoxicosis // Thyroid. Volume 26, Number 10, 2016.

²Fadeyev VV. Review of American Thyroid Association guidelines for diagnosis and management of hyperthyroidism and other causes of thyrotoxicosis. Clinical and experimental thyroidology. 2017;13(3):45-56.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7-майдаги ПФ-4295 сон “2019-2021 йилларда Республика аҳолисига эндокринологик ёрдамни кўрсатишни такомиллаштириш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590 сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чоратадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг Республика илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ГК – аутоиммун касаллик бўлиб, биринчи навбатда ҚБни зарарлайди. Шу билан бирга бошқа кўплаб аъзоларга, жумладан, юрак, кўзлар, скелет мушаклари, суяк, жигар ва терига таъсир қилиши мумкин. Бу гипертиреознинг энг кенг тарқалган сабабидир (Wémeau JL. et al., 2018). ГК гипертиреознинг 60% дан 80% гача ҳолатига тўғри келади. АҚШда гипертиреознинг умумий тарқалиши 1,2% ни ташкил қилади ва 20/100000 дан 50/100000 гача қайд этилади. Касаллик 20 ёшдан 50 ёшгача одамларда кўпроқ аниқланиб, эркакларга нисбатан аёлларда кўпроқ учрайди. Баъзи маълумотларга кўра, унинг аёллар ва эркаклар учун ҳаёт давомидаги хавфи мос равишда 3% ва 0,5% ни ташкил қилади. Nursing Health Study II нинг маълумотларига кўра, 25 ёшдан 42 ёшгача бўлган аёллар орасида 12 йиллик касалланиш даражаси 4,6/1000 ни ташкил қилди. ДТБ барча аутоиммун касалликлари каби, оилавий анамнезида мойиллиги бўлган беморларда тез-тез учрайди. Бунга стресс, чекиш, инфекция, йоднинг таъсири ва туғруқдан кейинги давр, атроф-муҳит омиллари, шунингдек, иммунитетни тиклаш учун юқори фаолликдаги ретровирусга қарши даврдан кейинги муолажалар сабаб бўлади (Hussain YS. et al., 2017).

ДТБ ташхиси чуқур йиғилган анамнез ва физик текширишдан бошланади. Анамнезда ДТБга наслий мойиллик бўлиши керак (Kahaly GJ. et al., 2018). Гипертиреоз ташхисини аниқлаш учун ҚБнинг функционал синамалари мавжуд. Биринчи синама, бу тиреотроп гормонига (ТТГ) тест ҳисобланади. Агар ТТГ пасайган бўлса, эркин Т4 (FT4) ва эркин Т3 (FT3)ларни аниқлаш зарур. FT4 ёки FT3 ёки/ва юқори кўрсаткичлари билан ТТГнинг пасайиши гипертиреозни ташхисини тасдиқлайди. Субклиник гипертиреозда фақат ТТГ пасаяди, аммо FT4 ва FT3 меъёрда бўлади (Binod P. et al., 2020). ГКни гипертиреознинг бошқа сабабларидан қиёслаш керак. ГКни тасдиқловчи белгилар орасида ушбу касалликка бўлган оилавий анамнези, орбитопатия, ҚБнинг диффуз катталашуви. Аммо, ташхис ушбу белгиларнинг бир ёки бир нечтаси етишмаслиги сабабли шубҳа туғдирса, қатор тестлар ўқтазилади. ТТГ рецепторларга антителаларни (АТ-рТТГ)

аниқлаш. Иккита қулай таҳлил мавжуд: тиреоид иммунитет стимулловчи иммуноглобулин ва тиреотропин боғланишини ингибицияловчи иммуноглобулин. ГК ташхиси учун таҳлилнинг учинчи авлоди ёрдамида АТ-рТТГни ўлчаш сезгирлик 97% ва махсуслик 99%ни ташкил қилади (Kotwal A. et al., 2018).

ДТБни даволашда касаллик белгиларини тезда бартараф қилиш ва ҚБ гормонлари секрециясини камайтиришдан иборат. β -адреноблокатор тахикардия, анамнезида юрак-қон томир касалликлари (ЮКК) бўлган ва кекса ёшдаги беморларга тавсия қилиниши керак (Subekti I. et al., 2018). ҚБ гормонлари синтезини камайтиришнинг учта тури мавжуд: антиреоид воситалар; радиойодтерапия; тиреоидэктомия. Тионамидлар ҚБда тиреоглобулинни тиреоид пероксидаза билан йодланишини ингибиция қилиб, Т4 ва Т3 ҳосил бўлишини блоклайди. Кузатув давомида ТТГ ва АТ-рТТГ даражаси нормал ҳолатга келса, биз 12-18 ойдан кейин давони тўхтатиш имкониятини кўриб чиқишимиз мумкин. Агар беморлар клиник ва биокимёвий эутиреоид ҳолатда қолсалар, даводан кейин биринчи 6 ой давомида ҳар 2-3 ойдан, кейинги 6 ойда ҳар 4-6 ойдан, кейинчалик ҳар 6-12 ойдан ҚБ функционал синамаларини такроралашимиз мумкин. 1 йил давомида ТТГ меъёрда турса, йилига ТТГ мониторинги етарли бўлади (Binod P. et al., 2020). Радиойодтерапияни 21 ёшдан ошган ҳомиладор бўлмаганлар, муолажадан кейин 6-12 ой мобайнида ҳомиладорликни режалаштирилмаган беморлар, жарроҳлик аралашув учун хавф туғдирадиган беморлар ва тионамидлар қўлланишига қарши кўрсатмаси бўлган беморларга афзал кўришади (Aung ET. et al., 2019). Тиреоидэктомия жуда катта бўқоқ (80 граммдан ортик), бўйин олдинги қисмини босиш белгилари, ҚБ шубҳали саратони, ҚБ катта тугунлари (4 см.дан юқори), совуқ тугунлар, ҚБ олди бези аденомаси, жуда юқори АТ-рТТГ ва сустан тортиб оғир бўлган Грейвс орбитопатияси беморлари учун афзал ҳисобланади. Жарроҳлик амалиётидан кейин тионамидлар ва β -блокаторларни қабул қилишни тўхтатиш керак. Левотироксин тана вазнига 1,6 мкг дан бошланади, миқдори эса ҳар 6-8 ҳафтадан ТТГ даражасига қараб ўзгартирилади (Garstka M. et al., 2018).

Беморларнинг меҳнатга лаёқатли ёши, ёшлар орасида касалликнинг тарқалиши, патогенетик давонинг йўқлиги, консерватив ва жарроҳлик даво усулларининг етарли даражада самарсизлиги ДТБни даволашнинг янги усулларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқишни талаб қилади. Мукамал даво усулини танлашда қўшимча тўсиқ – бу консерватив даво оқибатининг аниқ мезонлари йўқлиги, натижада консерватив даво ва жарроҳлик аралашувдан сўнг касаллик рецидивининг юқори кузатилашидир. Шундай қилиб, мукамал ёндашувни танлаш учун ДТБни консерватив ва жарроҳлик даволаш натижаларини таҳмин қилишда кўплаб омилларни ҳисобга олиш керак. Юқорида саналганларнинг барчаси ушбу диссертация тадқиқотини амалга ошириш учун асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот

ишлари режасига мувофиқ 011800229-сонли “Ички касалликлар ташхиси ва даволаш самарадорлигини оширишнинг янги усулларини излаш. Профилактиканинг оқилона йўллари” (2019-2022 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм вилояти аҳолиси орасида диффуз – токсик бўқоқ учраш сонини, касалликнинг ривожланишида хавф омилларни аниқлаш, қабул қилаётган давога боғлиқ беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хоразм вилоятида қалқонсимон без касалликлари орасидан диффуз – токсик бўқоқнинг учраш сонини аниқлаш;

диффуз – токсик бўқоқнинг давомийлигига боғлиқ ўтказилган антитиреоид давони таҳлил қилиш;

ҳалқаро стандартлар асосида Хоразм вилоятида (Боғот, Янгибозор ва Урганч туманлари) йод танқислиги касалликлари эпидемиологиясини ўрганиш ва улар орасидан диффуз – токсик бўқоқни ажратиб олиш;

диффуз – токсик бўқоқ ривожланишининг этиопатогенетик омилларини ўрганиш, ушбу касаллик юзага келишида хавф омилларнинг интеграл баҳолашини ўтказиш;

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий – амалий тиббиёт маркази Урганч филиалига маслаҳат учун мурожаат қилган беморлар орасидан диффуз – токсик бўқоқни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тиреотоксикоз синдроми билан 339 нафар беморлар орасидан 169 нафар ДТБ беморлар. Хоразм вилояти эндокринология диспансерида (ВЭД) 697 кишининг амбулатор карталари, Хоразм вилоятининг Боғот, Янгибозор ва Урганч туманларида ўтказилган 1521 кишидаги эпидемиологик текширув, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий – амалий тиббиёт маркази Урганч филиалида (РИКИАТМ УФ) 1150 киши олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қоннинг клиник – гормонал (ТТГ, FT3, FT4), иммунологик маркерлар (тиреопероксидаза (ТПО)га антитела ва АТрТТГ), инструментал усуллар – ҚБ ультратовуш текшируви (УТТ), тугунли ҳосила тўқималаридан олинган ингичка игнали аспирацион биопсия маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник – биокимёвий, гормонал – қонда ТТГ, FT3 ва FT4, антитиреоид иммунитет ҳолатини ақс эттирувчи серологик кўрсаткичлар – АТрТТГ, ТПОга антитела, ҚБ тўқимасининг гистологик ифодаланиши (жарроҳлик амалиётини ўтказган беморларда), ҚБ тўқимасининг ҳажми, қон айланиши ва экзогенлигини баҳолашни аниқлаш билан ҚБни УТТ, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диффуз – токсик бўқоқда қалқонсимон без фаолияти кўрсаткичлари, яъни қонда тиреотроп гормон, FT4, FT3, АТрТТГ, ТПОга антитела, шунингдек, беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини

баҳолаш каби субъектив мезонлар билан таққосланиб улар орасида узвий боғлиқлик борлиги исботланган;

диффуз – токсик бўқоқ беморларда хирургик давони ўз вақтида тўғри танлаш ва операциядан кейинги левотироксинли ўринбосувчи давони мос равишда олиб бориш беморлар ҳаёт сифатининг жисмоний ва руҳий таркибий қисмларига ижобий таъсири аниқланган;

диффуз – токсик бўқоқ билан оғриган беморларда бирламчи тизим ҳамда шифохона шароитида юрак қон-томир касалликларини эрта ташхислаш ва профилактика босқичларини мақсадли амалга ошириш такомиллаштирилган;

диффуз – токсик бўқоқ аниқланган ҳамда асоратли ва асоратсиз кечган беморларнинг 6 йил муддатдаги касаллик тарихлари ретроспектив таҳлил кўрсаткичлари орасидаги касаллик шакллари даволашдаги кўрсаткичлари боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тиреотоксикоз синдроми билан оғриган беморларни ҳозирда тавсия этилган текшириш ва даволаш алгоритмини тўлиқ ўтказиш муҳимлигига асосланган. Хоразм вилоятида қалқонсимон без касалликлари ва тиреотоксикоз синдроми тарқалишининг клиник – эпидемиологик таҳлиллари натижаларини вилоят соғлиқни сақлашнинг даволаш-ташхислаш фаолиятини такомиллаштириш режасида фойдаланиш мумкин;

ВЭДда 2014-2019 йиллар мобайнида тиреотоксикоз синдроми бўлган беморларнинг касаллик тарихи варақалари ретроспектив ўрганилди, улар орасидан ДТБ беморлар ажратилиб, даволаш усуллари (медикаментоз, радиойодтерапия ва жарроҳлик), жарроҳлик аралашувдан кейинги асоратлар аниқланди ва ўрин босувчи гормонал терапия (ЎБГТ)нинг баҳоси тўлиқ ўрганилган;

ДТБ билан оғриган беморларни ҳар томонлама ва кенг қамровли проспектив ўрганиш асосида касалликнинг оқибатли хавф омиллари аниқланган;

илк марта Хоразм вилоятининг 3 тумани аҳолиси орасида ҚБ касалликлари эпидемиологиясининг комплекс таҳлили ўтказилиб, тиреотоксикоз синдроми билан ва улар орасидан ДТБ беморлар ажратиб олинган, унинг ташхиси, давоси ва асоратлари билан боғлиқ мавжуд камчиликлар аниқланган;

қалқонсимон без касаллиги билан оғриган, хусусан, ДТБ беморларнинг аксарияти юрак – қон томир белгилари туфайли РИКИАТМ УФга нотўғри госпитализация қилинишлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Назарий ёндашувлар ва усулларни тадқиқотда қўллашнинг тўғрилиги, текширувларнинг аниқлиги, диффуз – токсик бўқоқ билан касалланган беморларнинг етарли танлов ҳажми, клиник, биокимёвий, серологик, инструментал маълумотлардан олинган рақамли маълумотларга асосланган замонавий статистик усуллардан фойдаланиш, халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар, шунингдек назарий ва

амалий тадқиқотларнинг етарлилиги ва амалий бажарилишидан олинган натижалар билан таққослаш ва оқилона баҳолаш орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диффуз – токсик бўқоқ касаллигининг клиник, биокимёвий, гормонал хусусиятлари, беморнинг жинсига, ёшига, касаллик давомийлигига ўзаро боғлиқлиги билан тавсифланиши, АТрТТГ, ТПОга антитела маркерларнинг касалликни ташхислаш ва башорат қилишдаги роли таҳлил қилиниши ва уларни башорат қилишдаги аҳамияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти касалликни дастлабки босқичларида аниқлаш, ўз вақтида тўғри даволаш тактикасини аниқлаш учун фойдаланиш, орқали ногиронликни, юрак-қон томир асоратларидан ўлимни камайтиришга, шунингдек ушбу тоифадаги беморларни кейинги даволашда иқтисодий харажатларни камайтиришга имкон бериши, ижобий ташхисий изланишларга эришиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диффуз – токсик бўқоқнинг ташхиси ва давосини яхшилаш бўйича илмий тадқиқотларнинг натижалари асосида:

Грейвс касаллигини даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Грейвс касаллигини даволаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 8н-р/687-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома диффуз – токсик бўқоқни аҳоли орасида эрта аниқлаш жиҳатларини яхшилаш имконини берган;

диффуз – токсик бўқоқ касаллигини ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Урганч туман тиббиёт бирлашмаси ва Хоразм вилояти эндокринология диспансерларининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 июндаги 08-09/6562-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши диффуз – токсик бўқоқ медикаментоз давосини такомиллаштириш ҳисобига беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичларини эртароқ тикланиши билан реабилитация даврини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий – амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объекти ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Диффуз – токсик бўқоқ ташхиси ва давосининг долзарб масалалари**» деб номланган биринчи бобида Грейвс касаллиги муаммосининг моҳиятини, касаллик этиопатогенези масалалари, эрта ташхис усуллари, шунингдек, ушбу патологияси бўлган беморларнинг даволаш усулини танлашнинг долзарб масалаларини очиб берадиган адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Беморларнинг клиник хусусиятлари ва тадқиқот усуллари**» келтирилган. Тадқиқотнинг фундаменти бўлиб, 2015-2019 йилларда ВЭДа 697 нафар тиреотоксикоз синдроми билан касалланган беморлар орасидан ДТБ билан ташхисланган ва даволанган 109 нафар беморларнинг ретроспектив натижалари (1-расм), 2018 йилда Хоразм вилоятининг учта тумани аҳолиси орасида ўтказилган проспектив-эпидемиологик текширув натижасида тиреотоксикоз синдроми аниқланган беморлар (2-расм) ва 2019 йил 6 ой давомида РИКИАТМ УФга кардиологик белгилари билан мурожаат қилган ва ҚБ касалликларини инкор қилиш мақсадида эндокринолог кўригига юборилган 1150 нафар бемор (проспектив текширувлар) хизмат қилди (1-жадвал).



1-расм. Хоразм вилоят эндокринология диспансерига қалқонсимон без касалликлари билан мурожаат қилган беморларнинг сони



2-расм. Текширилганларнинг ёш-жинс таркиби

1-жадвал

Текширилган беморларнинг тақсимланиши

№	Нозологии	Жинси		Жами
		Эркак	Аёл	
1.	ДТБ	7	17	24
2.	Тиреотоксик аденома	-	1	1
3.	Аралаш токсик бўқоқ	4	7	11
4.	АМИТ	6	1	7
5.	Ятроген тиреотоксикоз	-	5	5
6.	АИТ тиреотоксик босқичи	6	17	23
7.	Эндемик (диффуз) бўқоқ 1-2 дар. Эутиреоз	23	429	452
8.	Диффуз бўқоқ 3 дар. Эутиреоз	23	261	284
9.	Аралаш бўқоқ. Эутиреоз	-	56	56
10.	Тугунли бўқоқ	8	40	48
11.	АИТ. Эутиреоз	8	39	47
12.	Ҳомиладорлик	-	16	16
13.	Лактация	-	4	4
14.	Соғломлар	72	100	172
	Жами:	157	993	1150

Диссертациянинг учинчи бобида «Вилоят эндокринология диспансерига мурожаат қилган беморларнинг клиник ва гормонал тадқиқотлари ва уларнинг ҳаёт сифатини турли хил даволаш негизда ўрганиш» келтирилган. Тадқиқот ретроспектив ва проспективдир. ВЭДа қалқонсимон без касалликлари бўлган беморларнинг таҳлиллари олиб борилди. Текширилган беморлар сони 697 нафар, шулардан 453 (65%) нафарини аёллар ва 244 (35%) нафарини эркаклар ташкил қилди. Ёши 18 ёшдан 65 ёшгача. Тиреотоксикоз касалликларининг давомийлиги $8,3 \pm 2,1$ йилни ташкил қилди. Гормонал текширув натижаларига кўра, 109 нафар беморда ДТБ аниқланди, улардан 72 (66%) нафари аёллар, эркаклар – 37 (34%).

Беморларнинг касаллик тарихини таҳлил қилганда шу аниқландики, 178 (25,5%) нафар беморда тиреотоксикоз синдроми, уларнинг орасида диффуз – токсик бўқоқ 109 нафарни ташкил қилди. Тиреотоксикоз синдроми ҚБ гормонлари ва ТПОга антитела ва АТрТТГ каби иммунологик маркерларни аниқлаш билан тасдиқланган (2-жадвал).

2-жадвал

Қалқонсимон без патологиясига боғлиқ қалқонсимон без гормонларининг ўзгаришлари

Қалқонсимон без касалликлари нозологияси	Назорат гуруҳи, n=20	Диффуз-токсик бўқоқ, n= 109	Аралаш токсик бўқоқ, n= 24	Токсик аденома, n=45
ТТГ, мЕД/л	2,2±0,7	0,13±0,02*	0,12±0,05*	0,15±0,02*
FT3, пг/мл	0,8±0,3	7,8±1,1*	6,2±1,3*	6,5±1,6*
FT4, пг/мл	14,2±0,9	26,7±0,3*	29,4±0,4*	23,4±0,3*
АТрТТГ, МЕ/л	0,3±0,02	3,4±0,5*	2,5±0,1*	0,9±0,5*
ТПОга антитела, МЕ/л	20,6±3,4	58,7±3,1*	24,3 ±2,1*	27,7±2,7*

Тиреотоксикоз синдроми бўлган беморларнинг гормонал қамровли таҳлилида шу аниқландики, барча гуруҳларда ТТГ камайган, ҚБ гиперфункцияси сабабли эса FT3 ва FT4 кўпайиши қайд этилган. Иммунологик маркерлар, жумладан, АТрТТГ ва ТПОга антитела ҳам кўпайган, бу касалликнинг аутоиммун хусусиятини тасдиқлайди.

Касалликнинг давомийлигига қараб барча ДТБ беморлар ВЭДга муурожаати бўйича 3 гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳга 12 ойгача (n=69), иккинчи гуруҳга 3-5 йилгача (n=21) ва учинчи гуруҳга 5 йилдан ортиқ давомийликдаги беморлар кирди (n=19) (3-жадвал).

3-жадвал

Касалликнинг кечишига боғлиқ диффуз – токсик бўқоқ беморларда асоратларнинг ривожланиши

Гуруҳлар	Тиреотоксик юрак	ЭОП	Токсик гепатит	ТТГ, МЕд/л	тиреостатик
1 - гуруҳ, n=69	2 (6,6%)	17 (56,6%)	-	0,21±0,01	25,4±2,1 мг/кун
2 - гуруҳ, n=21	3 (14,2%)	14 (66,4%)	2 (9,5%)	0,12±0,06	15,1±1,6 мг/кун
3 - гуруҳ, n=19	5 (26,3%)	9 (47,3%)	4 (21%)	0,23±0,09	12,2±5,1 мг/кун

Кўриб турганингиздек, касалликнинг давомийлиги билан тиреостатик миқдорининг пасайиши кузатилди, аммо клиник яхшиланиш кузатилмади. 35 (32,1%) нафар беморда ДТБ 12 ойгача ва ундан ортиқ, иккинчи гуруҳда 8 (7,3%) нафар беморда ва учинчи гуруҳда 9 (8,3%) нафар беморнинг клиник ва биокимёвий ремиссияси кузатилди. Клиник яхшиланиш беморларда ТТГнинг ўртача миқдори 1,2±0,05 Мед/л ташкил қилди.

ДТБ беморларда даволаш турига боғлиқ ҲС ўрганилди. ДТБ (n=46) бўлган беморларнинг қабул қилаётган давога боғлиқ ҲСни ўрганиш учун SF-36 сўровномасидан фойдаланилди. ДТБ бўлган барча беморлар 2 гуруҳга

бўлинди. Биринчи гуруҳга медикаментоз даво олаётган ва клиник – гормонал кўрсаткичлари яхшиланиши билан ДТБ беморларнинг 29 нафари ва иккинчи гуруҳга ДТБ бўйича тиреоидэктомиядан кейинги 17 нафар бемор киритилди. Жарроҳлик амалиётини ўтказган 17 нафар беморнинг 3 (17,6%) нафарида ташрихдан кейинги гипопаратиреоз асорати ва 1 (5,9%) нафар беморда овоз бойламларининг парези кузатилди. Бу беморлар мавжуд асоратларни реабилитация қилиш мақсадида эндокринолог ва оториноларинголог кузатувида бўлишди. Ушбу беморлар бу гуруҳга киритилмади. Иккала гуруҳдаги беморларни текширганда ҲСнинг барча мезонлари соғлом кишиларга қараганда, биринчи гуруҳдаги барча кўрсаткичлар учун ($P<0,001$); иккинчи гуруҳдаги яшаш қобилияти кўрсаткичлари учун $P<0,01$ ва шу гуруҳдаги қолган барча мезонлар учун $P<0,001$ анча паст бўлган (4-жадвал). Иккала гуруҳнинг беморлари орасида қуйидаги фарқлар юзага келди: жисмоний фаолияти, яшаш қобилияти, ижтимоий фаолияти, эмоционал фаолияти ва руҳий соғлиқ мезонлари тотал ва субтотал тиреоидэктомиядан кейинги беморларнинг гуруҳларида ишончли баланд бўлди ($P<0,001$), бажарадиган фаолиятининг мезонлари иккала гуруҳда ишончли тавофут қилинмади, тиреостатиклар билан медикаментоз даволанаётган беморлар гуруҳида эса ижтимоий фаолиятининг кўрсаткичлари эса анча юқори (30,7% га) ($P<0,001$), шунингдек, бу гуруҳда эндокрин офтальмопатия кўпроқ бўлди. Иккала гуруҳда ДТБ билан беморларнинг ҲСни таққослаганда, жисмоний фаолияти, бажарадиган фаолияти, ижтимоий фаолияти, эмоционал фаолияти ва руҳий соғлиқ кўрсаткичларининг ўртача қиймати ташрихдан кейинги беморларнинг бир хил кўрсаткичлари тиреостатиклар билан медикаментоз даволанаётганлардан анча юқори эканлиги аниқландики, иккала гуруҳда ҳам ТТГ ўртача даражаси сезиларли даражада фарқ қилмади. Биринчи гуруҳда ТТГ ўртача қиймати $2,3\pm 0,02$ МЕд/л, иккинчи гуруҳда эса $3,1\pm 0,05$ МЕд/л. Иккинчи гуруҳда беморларнинг эмоционал фаолияти ва руҳий соғлиқи мос равишда 40,7% ва 22,5% га ошди.

4-жадвал

Даво турига қараб диффуз – токсик бўқоқ бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш мезонлари

Мезонлар	НГ, n=20	1-гуруҳ, n=29	2-гуруҳ, n=17
Жисмоний фаолияти	70,35±2,21	42,43±8,08*,***	48,33±5,38***^
Бажарадиган фаолияти	84,52±11,28	61,10±9,24*,***	72,14±10,62***
Оғриқ интенсивлиги	12,16±3,74	20,13±1,41***	15,32±6,72***
Соғлиқнинг умумий ҳолати	79,17±7,26	55,23±9,33***	67,02±9,14
Яшаш қобилияти	78,06±9,76	50,50±6,11*,***	56,25±4,22*,***^
Ижтимоий фаолияти	82,13±7,84	68,33±7,59*,***	71,95±9,02***
Эмоционал фаолияти	81,57±8,41	63,53±9,70***	69,81±8,97***^
Руҳий соғлиқи	84,65±5,57	56,27±8,95***	71,28±8,64^

Шундай қилиб, ДТБда ўз вақтида тиреоидэктомияга йўналтириш, динамикада беморларнинг ҲСни яхшилашга олиб келади. Тиреоидэктомиядан кейин барча беморларни ўз вақтида ЎБТга ўтиш учун

гормонал текширувдан ўтказиш керак. Тиреоид воситалар билан ЎБГТни ўз вақтида тавсия қилиш, ХСни яхшилашга, турли аъзо ва тизимлар томонидан асоратлар ривожланишининг олди олинишига имкон беради.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Хоразм вилоятида диффуз – токсик бўқоқ тарқалишини ўрганиш ва хавф омилларининг яхлит баҳоланишини ўтказиш**» келтирилган. Клиник маълумотлар йиғиндисини Хоразм вилоятининг 3 туманида (Боғот, Янгибозор ва Урганч) проспектив – эпидемиологик усул билан текшириб, тиреотоксикоз синдроми аниқланган беморлар ташкил қилди. Текширув Боғот туманида 2018 йил 2 ой мобайнида (сентябр-октябр), Янгибозор туманида – ноябр-декабр, Урганч туманида – май ва июн ойларида ўтказилди. Учта туманнинг барча беморлари тиреотоксикознинг яққол клиник белгилари, жумладан, тана вазнининг камайиши, тахикардия, терлаш, экзофтальм, қалтираш, ҳансираш, асабийлашиш билан 2019 йил майдан декабр ойигача ВЭД базасининг лаборатор текширувидан ўтишди.

1521 нафар аҳоли текширилиб, улардан 1156 (76%) нафари аёллар ва 365 (24%) – эркаклар. Ўртача ёши $42,9 \pm 0,86$ йил. 1521 кишидан 502 (33%) нафари Боғот туманида, 513 (33,8%) – Янгибозор туманида ва 506 (33,2%) – Урганч туманида яшайди. Учта туман аҳолиси ҳам ичимлик суви билан таъминланиш масаласини ҳал қилиниши хоҳлайди. Маълум бўлишича, фақат аҳолининг марказий қисми марказлашган сув қувирларидан, аҳолининг аксарияти эса қудуқлардан ва бошқа ер ости сув манбаларидан фойдаланадилар.

Туманлар бўйича текширилган беморлар орасида ҚБнинг у ёки бу патологияси борлигининг тадқиқот натижалари таҳлили қилинди (5-жадвал).

5-жадвал

Текширилганларнинг эпидемиологик тақсимланиши

№	Нозологии	Боғот		Урганч		Янгибозор	
		Эркак	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл
1.	ДТБ	4	11	3	9	2	7
2.	Тиреотоксик аденома	-	1	-	1	-	1
3	Аралш токсик бўқоқ	2	2	1	1	1	2
4	Амиодарон индуцирланган тиреотоксикоз	2	1	1	2	1	1
5	Ятроген тиреотоксикоз	1	3	2	3	1	1
6.	Эндемик (диффуз) бўқоқ 1-2 дар.	43	109	48	107	43	115
7.	Диффуз бўқоқ 3 дар.	16	48	7	23	8	25
8.	Аралаш бўқоқ	10	18	11	23	11	29
9.	Тугунли бўқоқ	3	11	4	9	6	14
10.	АИТ	4	11	5	10	13	30
11.	Ҳомиладорлик	-	43	-	50	-	42
12.	Лактация	-	61	-	65	-	51
13.	Соғломлар	32	65	40	80	35	73
	Жами:	118	384	124	382	122	391

Барча туманларда ҳомиладор ва эмизикли аёллар ўртача 34% (395 киши)ни ташкил қилди. Улардан батафсил сўраб кўрилганда шу аниқландики, 90% (355 киши) аёллар профилактика мақсадида калий йодид воситаларини истеъмол қилмаганлар, шунингдек, шифокор томонидан ҳам тавсия қилинмаган.

Тиреотоксикоз синдроми бўлган беморлар барча гуруҳлардан ажратиб олинди. Бу беморлар ДТБ, тиреотоксик аденома, аралаш токсик бўқоқ, ятроген тиреотоксикоз ва АмИТдан иборат.

ДТБ беморларнинг 37 фоизи тимазол препаратининг 5-15 мг/кун дозаси кўринишида тиреостатик терапия олганлар. Улар 3-7 йил давомида препаратни назоратсиз дозада қабул қилганлар, натижада декомпенсация ҳолатида бўлишган. Беморларнинг ушбу гуруҳида гормонал текширувнинг натижаларига ва юрак – қон томир тизимининг ҳолатига кўра даволашнинг коррекцияси ўтказилди. Қолган биринчи ташхисланган 63% беморга тимазолнинг 20-30 мг/кун дозадаги препарати билан стандарт тиреостатик даво тавсия қилинди. Тиреотоксик аденома ва аралаш токсик бўқоқ беморлар хирург-эндокринологга йўлланма берилди. Ятроген ва АмИТ беморларга кардиолог билан биргаликда терапиянинг коррекцияси ўтказилди.

Шундай қилиб, 109 нафар тиреотоксикоз синдроми бўлган беморлар орасидан 36 нафарида ДТБ аниқланди. Бу Хоразм вилоятида ДТБ билан касалланиш 0,87%ни ташкил қилди (10000 аҳоли сонига 1 киши). Шундай қилиб, Боғот туманида тиреотоксикоз синдроми билан 27 нафар беморда аниқланиб, бу текширилган гуруҳда ҚБ касаллиги беморлар умумий сонининг 5,4% ни ташкил қилди. Бу Урганч туманида мос равишда 4,5% (23 киши), Янгибозорда эса – 3,3% (17 киши)ни ташкил этди.

Тадқиқотларимиз натижасида, яъни беморларни текшириш мобайнида, биз томонимиздан ятроген (медикаментоз) тиреотоксикоз ва АмИТ беморлар гуруҳи аниқланди.

Ятроген тиреотоксикоз ҚБ касалликлари умумий сонининг 11 (1,2%) нафарида клиник ташхисланди. Бу беморлар 1-3 йил давомида левотироксин воситасини ўртача 75-125 мг/кунлик миқдорда назоратсиз қабул қилганлар. Бу гуруҳдаги беморларда тана вазнининг камайиши, юрак уриши, нафас етишмовчилиги қайд қилинган. Анамнез йиғиш, шикоятлар ва объектив текширув маълумотлари асосида ятроген тиреотоксикоз ташхисланди. Беморларнинг аҳволи ёмонлашишига қарамасдан, ҳолатини динамик назорати учун ўзининг даволовчи шифокорига мурожаат қилишмаган.

8 (0,7%) нафар беморда АмИТ ташхиси кўйилди. Бу беморлар юрак – қон томир тизими касаллигидан азият чекишган ва амиодарон билан даволанганлар. Беморларнинг аксариятида АмИТ амиодарон билан даволаниш бошлангандан кейин бирданига ёки уни кўп йиллар қабул қилгандан кейин ривожланган. Ушбу патология амиодарон воситани қабул қилиб бошлагандан кейин ўртача 3 йилда юзага келган.

ДТБ бўлган беморлар гормонал негиз натижаларга кўра 2 гуруҳга ажратилди: тиреотоксикоз манифест шакли (25%) ва субклиник шакли (75%).

Тадқиқот натижаларига кўра, биз томондан текширилган 1521 кишининг 58,1% (884 киши)да ҚБ касалликлари ташхисланди. 36 кишида ДТБ аниқланди, бу ҚБ касалликлари умумий сонининг 4% ва тиреотоксикоз синдроми бўлганларнинг 53,7% ҳолатини ташкил қилди.

Шундай қилиб, ДТБ Боғот туманида беморлар умумий сонининг 15 нафари, Урганч туманида – 12 киши, Янгибозор туманида – 9 кишидан иборат. 36 бемордан 27 нафари аёллар ва 9 нафари эркеклар бўлиб, мос равишда 75% ва 25% ташкил қилди.

Барча беморларда ҚБ тўқимаси экзогенлигининг қайси соҳасида пасайиши ва ҳажмининг катталишашини аниқ кўриш учун ҚБ УТТи ўтказилди. ҚБнинг ўртача ҳажми аёлларда $35,6 \pm 3,3$ мл, эркекларда - $42,2 \pm 7,0$ мл ташкил қилди. Беморларда гормонал негиз кўрсаткичлари таҳлил қилинди. ҚБ гормонларини текширганда умумий гуруҳда FT3, FT4 ва ТТГ даражалари назорат гуруҳига нисбатан ишончли бўлди (6-жадвал).

6-жадвал

Умумий гуруҳдаги диффуз – токсик бўқоқда гормонал негизнинг кўрсаткичлари

	Назоарт гуруҳи (n=20)	Текширилаётган гуруҳ (n=36)
FT3, pg/ml	$0,8 \pm 0,3$	$6,99 \pm 0,58^*$
FT4, pg/ml	$14,2 \pm 2,9$	$27,34 \pm 4,40^*$
ТТГ, mIU/ml	$2,2 \pm 0,7$	$0,12 \pm 0,02^*$
АТрТТГ, МЕ/л	$0,3 \pm 0,02$	$6,5 \pm 0,24^*$
ТПОга антитела, МЕ/л	$20,6 \pm 3,4$	$42,7 \pm 1,7^*$

Манифест (25%) тиреотоксикозда гормонал негиз кўрсаткичлари куйидагича бўлди: FT3 ва FT4 даражаси мос равишда $6,77 \pm 0,75$ pg/ml ва $27,7 \pm 3,3$ pg/ml ташкил топган, ТТГ даражаси эса назорат гуруҳига нисбатан ишончли камайган ва $0,13 \pm 0,02$ pg/mlдан иборат, субклиник тиреотоксикозда (75%) FT3 ва FT4 мос равишда $3,47 \pm 0,24$ pg/ml и $15,3 \pm 2,5$ pg/ml, ТТГ даражаси эса $0,12 \pm 0,03$ бўлиб, ишончли камайган. АТрТТГ даражаси субклиник тиреотоксикозда $3,4 \pm 0,34$ МЕ/л ташкил этди, манифестда эса - $9,2 \pm 1,56$ МЕ/л. ТПОга антитела кўрсаткичлари даражаси мос равишда $44,3 \pm 4,1$ ва $47,7 \pm 5,7$ га тенг (7-жадвал).

7-жадвал

Турли клиник гуруҳлардаги диффуз – токсик бўқоқда гормонал негизнинг кўрсаткичлари

	Назорат гуруҳ (n=20)	Субклиник тиреотоксикоз (n=27)	Манифест тиреотоксикоз (n=9)
FT3, pg/ml	$0,8 \pm 0,3$	$3,47 \pm 0,24$	$6,77 \pm 0,75^*$
FT4, pg/ml	$14,2 \pm 3,1$	$15,3 \pm 2,5$	$27,7 \pm 3,3^*$
ТТГ, mIU/ml	$2,2 \pm 0,7$	$0,12 \pm 0,03^*$	$0,13 \pm 0,02^*$
АТрТТГ, МЕ/л	$0,3 \pm 0,02$	$3,4 \pm 0,34^{**}$	$9,2 \pm 1,56^*$
ТПОга антитела, МЕ/л	$20,6 \pm 3,4$	$44,3 \pm 4,1^*$	$47,7 \pm 5,7^*$

Бундан ташқари, Хоразм вилоятининг ўрганилган туманлари бўйича гормонал негиз кўрсаткичлари алоҳида таҳлил қилинди (8-жадвал).

8-жадвал

Хоразм вилоятининг 3 туманида турли клиник гуруҳдаги диффуз – токсик бўқоқда гормонал негизнинг кўрсаткичлари

	Назорат гуруҳи (n=20)	Боғот тумани (n=15)		Урганч тумани (n=12)		Янгибозор тумани (n=9)	
		Субклиник (n=11)	Манифест (n=4)	Субклиник (n=7)	Манифест (n=5)	Субклиник (n=6)	Манифест (n=3)
FT3, pg/ml	0,8±0,3	1,7±0,24*	6,16±0,9*	3,47±0,24	5,56±0,85	2,81±0,24	6,2±0,68
FT4, pg/ml	14,2±0,9	12,49±1,03	27,96±6,7*	15,89±4,08	26,18±5,2*	13,81±3,0	24,6±7,02*
ТТГ, mIU/ml	2,2±0,7	0,17±0,03*	0,08±0,02*	0,02±0,07*	0,19±0,09*	0,21±0,03*	0,13±0,03*
АТ рТТГ, МЕ/л	0,3±0,02	2,9±0,35*	7,5±1,43*	4,7±0,70*	12,8±1,65	1,9±0,20	6,1±0,5*
ТПОга анти., МЕ/л	20,6±3,4	43,7±3,0*	37,7±4,1*	35,4±6,2*	48,2±5,1*	47,5 ±3,6*	46,5±5,7*

Субклиник гипертиреоз – Т4 ва Т3нинг меъерий миқдорида ТТГ миқдорининг пасайиши – кекса беморларда бўлмача фибрилляцияси хавфи ошиши билан ассоциацияланиши.

Субклиник гипертиреозда ТТГ миқдори референс қийматдан паст бўлиб (одатда 0,05 мМЕ/л дан баланд), умумий Т3 ва Т4, FT3 ва FT4 эса меъерий чегарада бўлади.

Шундан кўришиб турибдики, 36 (4%) беморда ДТБ аниқланди. Боғот туманида субклиник тиреотоксикоз билан беморларнинг кўпчилик қисми қайд этилди, бу 75% ташкил этди, шу билан бирга, Урганч ва Янгибозор туманларида мос равишда – 58,3% ва 66,7% га тенг. Манифест тиреотоксикоз Боғот туманида 25%, Урганч туманида – 41,7% ва Янгибозор туманида – 33,3% ҳолатда ташхисланди. Барча гуруҳларда АТрТТГ ва ТПОга антитела миқдорининг ошиш қайд этилган.

Хоразм вилоятида ДТБ хавф омилларини ўрганиш учун яхлит баҳолаш ўтказилди. Биз ҳар бир беморда қуйидаги хавф омиллар: жинс, ёш, чекиш, стресс, наслий мойиллик, иммун касалликларнинг мавжудлиги, ҳомиладорлик, тиреоид воситаларни назоратсиз қабул қилиш, амоидарон қабул қилиш, ичимлик сувининг минералланганлик даражаси, инфекцияни баҳоладик.

Иккала гуруҳда ҳар бир хавф омил учун эҳтимоллик (Р асосий ва Р назорат) коэффиценти ишлаб чиқилди. Бунинг учун ҳар бир омиллар (мутлоқ сони) градиациясининг эҳтимоллик кўрсаткичлари ҳар бир гуруҳ омиллари кузатувчиларнинг умумий сонига бўлинади.

Кейинги босқичларда эҳтимоллик нисбати (R) асосий гуруҳнинг эҳтимоллик коэффицентини назорат гуруҳига коэффицентига бўлиш йўли билан ҳисоблаш ўтказилади: $R = \frac{P \text{ асосий}}{P \text{ назорат}}$.

Rни ҳисобалашдан кейин формула бўйича ҳақиқатга яқинлик коэффициентларининг мос келувчи катталикларини қўшиш йўли билан ривожланиш хавф омилларининг минимал ва максимал даражасини яхлит баҳолаш ўтказилди:

$$R \min = P1 \min + P2 \min + P3 \min + \dots Pn \min$$

$$R \max = P1 \max + P2 \max + P3 \max + \dots Pn \max$$

Қаерда, Rmin – ушбу белгилар ривожланишининг минимал хавфини англатади.

Rmax – ушбу белгилар ривожланишининг максимал хавфини англатади. Ўтказилган ҳисоблашларнинг асосида хавфнинг умумий оралиғи ўрнатилди (R min- R max).

Қуйида хавф омилларига кўра, ДТБ ривожланишига нисбатан прогностик қолип келтирилган (9-жадвал).

9-жадвал

Диффуз – токсик бўқоқ ҳосил бўлиш хавфи кўрсаткичларини яхлит ва прогностик баҳолаш

Омиллар гуруҳи	Омиллар градацияси	Асосий гуруҳ n-36		Назорат гуруҳи n-20		Ҳақиқатга яқинлик нисбати	Хавф диапазони	
		абс.	P1	абс.	P2		min	max
		36	P1=pi/n	20	P2=pi/n		P Инт	P Инт
Жинс	эркаклар	9	0,25	7	0,35	0,71	0,71	2,08
	аёллар	27	0,75	13	0,65	1,15		
Ёш	18-44 йил	18	0,5	7	0,35	1,43	0,44	1,1
	45-59	14	0,39	8	0,4	0,98		
	60-79	4	0,11	5	0,25	0,44		
Анамнез	Стресс	17	0,47	4	0,20	2,35	1,26	2,35
	инфекция	7	0,19	3	0,15	1,27		
Сув истеъмоли	жўмракдан	29	0,81	11	0,55	1,47	0,42	1,45
	бутилка	7	0,19	9	0,45	0,42		
Эркакларда чекиш	Йўқ	7	0,19	4	0,2	0,95	1,47	9,5
	Бор	2	0,06	3	0,15	0,4		
БМЖ	Йўқ	11	0,31	13	0,65	0,48	0,44	0,94
	Бор	25	0,69	7	0,35	1,97		
Умумий балл							4,69	16,62

9-жадвалдан кўришиб турибдики, ДТБ ҳосил бўлишининг энг катта хавфига қуйидагилар: аёллар (Ринт=2,08); ёш бўйича – 18-44 ёшдаги гуруҳ кишилари (Ринт=1,1); стрессга дучор бўлган шахслар (Ринт=2,35); жўмракдан сув истеъмол қилувчилар (Ринт=1,45); чекувчи эркаклар (Ринт=3,9), анамнезида бош мия жароҳати бўлганлар (Ринт=0,94) кирди.

Шундай қилиб, яхлит ва прогностик таҳлиллар шуни кўрсатдики, ДТБ ҳосил бўлишида асосий хавф омиллари қуйидагилар: стресс (Ринт=4,45), чекиш (Ринт=3,9), инфекциянинг бўлиши (Ринт=2,35), аёлларда кўпроқ

ривожланиши (Ринт=2,08), жўмракдан сув ичиш (Ринт=1,45), 18 ёшдан 44 ёшгача (Ринт=1,1), бош мия жароҳатининг бўлиши (Ринт=0,94).

Биз томондан ДТБ юзага келишининг минимал ва максимал хавфининг ҳисоблаш кўрсаткичларини ўтказгандан кейин барча юқорида кўрсатилган омиллар бўйича хавф оралиғининг ҳисобланиши аниқланди. Бунинг учун биз қуйидаги математик ҳисоблагичдан фойдаландик:

Прогностик жадвалда биз ҳар бир омил бўйича R_{\min} топамиз ва уларни умумлаштирамиз, худду шу усул R_{\max} ҳам нисбатан. Шундай қилиб, жадвалларда келтирилган маълумотларимизга кўра, ДТБ ривожланишида барча хавф омиллари учун минимал (ΣR_{\min}) ва максимал (ΣR_{\max}) қийматлар йиғиндиси қуйидаги хавф оралиғини ташкил этди:

$$R_{\min}=4,88$$

$$R_{\max}=16,27$$

ДТБ пайдо бўлишининг хавф оралиғи 4,88-16,27 оралиғида бўлади. Бинобарин, хавф омиллари комплексига таъсир қилиши натижасида R йиғиндиси қанча кўп бўлса, ДТБнинг ривожланиши шунча юқори бўлади.

Хавф гуруҳлари шаклланиш хавфи 3 даража бўйича ўтказилади: паст, ўрта, юқори (10-жадвал). Бу гуруҳларнинг ҳар бири учун хавф оралиғини ҳисоблаш қуйидагича ўтказилади:

10-жадвал

Диффуз – токсик бўқоқ ривожланиши учун хавф гуруҳларини ҳисоблаш

Хавф даражаси	Хавф оралиғини ҳисоблаш	Оралиқлар бўлиниши
	Оралиқнинг чегаралари	
Паст	$4,88+(16,27-4,88) \times 30:100=8,30$	4,88-8,30
Ўрта	$4,88+(16,27-4,88) \times 60:100=11,71$	8,31-11,71
Юқори	Катта ёки тенг 11,72	11,72-16,27

